



Ислом Нури

Имом Муслим Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилган ҳадисда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: «Тери агар ошланса, покиза бўлади», дедилар.

Имрон ибн Хусайн розияллоху анху шундай дейди: Пайғамбар соллalloҳу алайҳи ва саллам ва асҳоблари бир мушрика аёлнинг мешидан таҳорат олишди. Муттафақун алайҳ.

Муттафақун алайҳ бўлган ҳадисда Саълаба ал-Хушаний розияллоху анху:

– Ё Расулalloҳ, биз аҳли китоблар диёрида яшаймиз, уларнинг идишларида овқат есак бўладими? деди.

– «Агар бошқа идиш топсанглар, уларнинг идишларида овқат еманглар, агар бошқасини топмасанглар уларни ювиб, сўнгра уларда овқат еяверинглар», дедилар.

Шарҳ

Аллоҳ таоло ўзининг раҳмати билан териларни ошланиши билан покиза бўладиган қилди ва мушрикларнинг идишларини, ундан бошқаси топилмаса ва нажосатдан тоза бўлса, ишлатишга рухсат берди.

Бугунги дарсдан олинadиган фойдалар

1. Ҳалол ҳайвонларнинг териси ошланиши билан покиза бўлади.
2. Мушрикларнинг идишларидан таҳорат олиш ва овқат ейиш жоиз, агар идиш нажасдан холи бўлса.